Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар даврида адабиёт ва маънавиятга эътибор давлат сиёсати даражасидаги масалалардан бўлиб турибди. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар билан турли соҳаларда ўзаро алоқалар тобора самарали бўлиб келаётган бугунги кунда ҳар бир миллатнинг шахсини белгиловчи мезонлардан бири бўлган бадиий адабиёт ва таржимани ўрганиш ўша халқнинг турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, руҳияти билан боғлиқ билимларни оширишда муҳим мезондир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳасида илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлардандир. Ушбу стратегик вазифалар таржимашунослик соҳасида ҳам чуқур изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, 2017 йил 20

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль. №28 (6722).

апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117 Ўзбекистон Республикасида “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бобур ижодий мероси, жумладан, “Бобурнома”ни ўрганиш, асарнинг таянч манбаларини аниқлаш, оммалаштириш ва хорижий тиллардаги таржималарини махсус илмий тадқиқ этишда инглиз мутахассислари Ж.Лейден, У.Эрскин, Л.У.Кинг¹; Р.М.Калдекот, Ф.Г.Талбот, С.Лейн-Пуул², Э.Ҳолдэн, М.Элфинстон, Г.М.Эллот, А.Денисон Росс³, В.Х.Мореланд, А.С.Бевериж⁴, Ҳ.Бевериж, америкалик Ҳ.Лэмб⁵, У.Тэкстон⁶; французлардан А.де Лонг-Перь, А.Ж.Клапрот, Ж.Дранжете, Паве де Куртейл⁷, Жан-Поль Ру, Луи Базен, Жан-Луи Бакье Граммонлар⁸; голланд Витсен, немис Юлиус фон Клапрот, А.Кайзер, В.Штаммлер; испан Мерсе Комас хоним, ҳинд Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, Муни Лаъл, С.П.Шарма⁹, Р.П.Трипатҳи, П.Саран, Муҳиббул Ҳасан; афғон Аҳмад Али Кўҳзод, Абдулхай Ҳабибий, Шафика Ёркин, Гулчин Маоний; уйғур Темур Хамит; турк Ҳ.Бойир, Рашит Раҳмати Арат, Билол Южел, туркман Р.Куренов, МДҲда “Бобурнома” матни таржималари ва уларнинг прагматик хусусиятларини ўрганишда И.В.Стеблева,

¹King L, Leyden J. & Erskine W. Memoirs of Zehir-ed-Din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan. – London, 1826. Annotated and revised ed. by L.King, 2 Vols., – Milford, 1921. - 446 p.

²Lane-Poole. Babar. – Oxford, Clarendon Press, 1899. - 210 p.

³History of India. By Elliott and Dowson. – London, 1867. - 190 p.

⁴Beveridge A.S. The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur), Translated from the original Turki Text of Zahiruddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette Susannah Beveridge, 2 Vols., – London, 1922. -538 p.; Repr, in one Volume, – London, 1969. - 25 p. – New Delhi, 1970. -78p. – Lahore, 1975. - 72 p.

⁵Harold Lamb. Babur the Tiger. – New-York, 1961. - 336 p.

⁶The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, edited, and, annotated by Wheeler. M., Thackston. – New York & Oxford, 1996. - 472 p.

⁷Pavet de Courteille. A. Dictionnaire Turk-Oriental, – Paris, 1870. - 562 p.

⁸Bacque - Grammont J.L. Le livre de Babur. – Paris, 1980. - 238 p.

⁹Sharma S.R. A Bibliography of Mughal India (1526-1707 A.D.). – Bombay, 1990. - 206 p.

Г.Ф.Благова, М.Салье, А.Н.Самойлович¹ каби шарқшуносларнинг ҳиссалари катта. Айниқса, япон олими Эйжи Манўнинг “Бобурнома” танқидий матнини тайёрлагани ва таржимаси билан чоп эттиргани алоҳида аҳамиятга эга². Мамлакатимизда кўзга кўринган етук олимлардан С.Азимжонова, Ҳ.Ёкубов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, А.Абдуғафуров, Ғ.Саломов, Н.Комилов, С.Ҳасанов, Н.Отажонов, Ҳ.Қудратуллаев, Ҳ.Болтабоев, М.Холбеков, Ғ.Сотимов, А.Абдуазизов, Л.Хўжаева, Ғ.Хўжаев, С.Шукруллаева, Ф.Салимова, А.Иброҳимов, Р.Каримов, М.Собиров, З.Холманова, Д.Хошимова, З.Тешабоева, И.Сулайманов, Ш.Ҳайитов, Д.Мухаммадиева ва М.Шарахметова³ларнинг ишларида ушбу масалалар илмий-назарий жиҳатидан тадқиқ этилган.

“Бобурнома” матнини ўрганиш, асар таржимаси билан шуғулланиш масалалари тадқиқотчиларнинг матнга илмий нуқтаи назардан ёндашишларига боғлиқ. Ўзбек тадқиқотчиларининг юқорида қайд этилган илмий ишларида “Бобурнома” таржималари у ёки бу филологик мақсад ва муаммо нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлиб, ушбу тадқиқотларда асарнинг мазмуни, муайян парчанинг маъноси хорижий тилда қилинган таржимасида қандай акс этганлиги қиёсий тадқиқ этилади. Аммо “Бобурнома” матнига хос бўлган муҳим бир жиҳат – сўзларнинг маъно товланишларига деярли эътибор берилмай, М.Холбеков⁴, Н.Отажонов⁵ ва С.Шукруллаева⁶ларнинг ишларида “Бобурнома” матнига, асосан, бадиий наср намунаси сифатида ёндашилиб, ўртага қўйилган илмий муаммолар

¹ Самойлович А.Н. Собрание стихотворений императора Бабура. – Петроград, 1917. - 144 с.; Салье М. Из узбекских классиков. – Ташкент, 1946. - 178 б.; 98. Благова Г.Ф. О характеристике грамматического строя (морфологии староузбекского литературного языка конца XV века по “Бабурнамэ”). Дисс.

...канд.филол.наук. – М., 1954. -247 с.; Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – М., 1982. - 328 с.;

Стеблева И.В. “Бабурнаме” язык, прагматика текста, стил. – М. 1994. - 404 с.

²Eiji Mano. *Bābur-nāma (Vaḡāyī)*. Critical Edition Based on Four Chaghatay Texts with Introduction and Notes. – Kyoto, Shōkadō, 1995. - 348 p.

³Ёкубов Х. Бобир. – Тошкент, “Ўзфан нашр”, 1941. - 47 б.; Бобир. Танланган асарлар/Нашрга тайёрловчилар:

С.Азимжонова, А.Қаюмов. – Тошкент, 1958. - 126 б.; Бобир. “Бобирнома”(Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев, С.Мирзаев). – Тошкент, 1960. - 513 б.; Зоҳидов В. Бобирнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида:

[Сўз боши] //Бобир, Захириддин Мухаммад. Бобирнома/(нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев, С.Мирзаев). – Тошкент, 1960. – Б.5-52; Бобир. Асарлар/Нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Т.: Фан, 1965. -

296 б.; Азимжанова С. Индийский диван Бабура. – Т.: “Фан”, 1966. - 85 с.; Бобур. (Нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов). – Т.: Фан, 1971. - 122 б.; Қудратуллаев Ҳ.С. “Бобурнома”нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили асосида). Филол. фан. док. дисс. -

Т., 1998. - 242 б. Ҳасанов С. Бобурнинг “Рисолайи аруз” и. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1986. - 174 б.; Бобур. Девон/Нашрга тайёрловчи: А. Абдуғафуров). – Т.: Фан, 1994. - 142 б.; Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажон Нематилла. Жаҳонгашта Бобурнома. – Тошкент: “Фан”, 1996, - 362 б.;

Эрскин У. Ҳиндистонда Бобур давлати /Инглиз тилидан Ғ.Сотимов таржимаси. – Тошкент, 1997. - 64 б.; Шарма П. Бобурийлар салтанати /

Инглиз тилидан Ғ.Сотимов таржимаси /. – Тошкент, 1998. - 169 б.; Бобур. Мубаййин /Нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. Тошкент, 2000. - 182 б.; Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат, 2004. - 139 б.;

Хошимова Д. “Бобурнома” асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари (Ўзбек, инглиз ҳамда “Бобурнома” танқидий матнининг япон нашрлари мисолида): Филол.фан. ном. дисс. – Тошкент, 2006. - 223 б.;

Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. дисс автореф. – Тошкент, 2009. - 52 б.; Хайриддин Султон. Бобурийнома. – Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2019. - 416 б.

⁴Холбеков М. “Узбекско-французские литературные взаимосвязи” (в аспекте перевода, критки и восприятия). Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Ташкент, 1991. - 25 с.

⁵Отажонов Н. Бадиий таржима ва илмий шарҳ. Филол. фан ном. дисс... – Тошкент, 1978. - 20 , ўша муаллиф. Бобурнома жаҳон адабий жараёнида. Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1994. - 270 б.

⁶Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия “Бабурнаме” в его английских переводах. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. - 21 с.

ушбу жиҳатлардан ёритилган бўлса, Л.Хўжаева¹ диссертациясида айтилган масалалар асарнинг русча таржимаси мисолида ўрганилади. Ғ.Хўжаев² тадқиқотида асарнинг олмон тилидаги таржимаси асосий манба қилиб олинган. Ф.Салимова³ Паве дў Куртейлнинг туркча луғати масаласи ва асарнинг французча таржимасини ўрганган. Ҳ.Назарова “Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат” тузган⁴, А.Иброҳимов “Бобурнома” асаридаги ҳиндча сўзларни тадқиқ этган⁵. М.Собиров⁶ матнда кўзда тутилган маъно, уни тўғри тушуниш ва қайд этиш қай даражада ёритилишини таҳлил этган бўлса, Р.Каримов⁷ “Бобурнома”даги шеърлий таржималар муаммоси билан шуғулланган. Д.Хошимова “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқини⁸, З.Тешабоева “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларнинг когнитив ва лексикографик тадқиқини⁹, И.Сулайманов “Бобурнома”да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг бадиий тасвирини¹⁰, Ш.Ҳайитов “Бобурнома”нинг туркча таржималари тадқиқини¹¹, Д.Муҳаммадиева “Бобурнома”нинг туркча таржималаридаги паремияларни¹², М.Шарахметова эса “Бобурнома”нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этишини¹³ ўрганган.

“Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликлари таржималарининг лингвокултурологик ва прагматик жиҳатлари, таржимада уларни акс эттириш муаммолари, ўлчов бирликлари таржималарининг прагматик мувофиқлик ва номувофиқликда амалга оширилганлиги жиҳати ҳозирга қадар ўрганилмаган. Ушбу мавзу бўйича махсус тадқиқот амалга оширилмаган. Бу жиҳатидан ушбу диссертация бошқа тадқиқот ишларидан тубдан фарқ қилади.

¹Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста “Бабурнаме”. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Андижан, 1985. - 24 с.

²Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык. Дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. - 156 с.

³ Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики Восточно-тюркского словаря Паве де Куртейля и переводов “Бабурнаме”. Дисс....канд.филол.наук. – Ташкент, 1997. - 152 с.

⁴ Назарова Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1972. - 190 б.

⁵ Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2001. - 170 б.

⁶Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2002. - 135 б.

⁷ Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2003. - 150 б.

⁸Хошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филол. фан. док. дисс. – Т., 2018. - 265 б.

⁹Тешабоева З. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларнинг когнитив ва лексикографик тадқиқи. Филол. фан. фалс. док.(PhD) дисс.автореф – Т., 2021. - 45 б.

¹⁰Сулаймонов И. “Бобурнома”да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг бадиий тасвири. Филол.фан. док. дисс. – Т., 2020. - 40 б.

¹¹Ҳайитов Ш.Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили). Фил.фан. фал. док.(PhD) дисс. – Т., 2018. – Б.16.

¹²Муҳаммадиева Д. “Бобурнома” туркча таржимасида паремияларнинг қиёсий тадқиқи. Фил.фан. фалс. док.(PhD) дисс. – Т., 2021. – Б.13.

¹³Шарахметова М. “Бобурнома”нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этиши”. Филол. фан. фал док. дисс. – Тошкент, 2021. – Б.18.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тил ва таржима тараққиёти: мумтоз асарлар таржималарининг лингвокультурологик хусусиятлари” бандига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг бадиий маҳорати, “Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликларининг лингвокультурологик ва прагматик хусусиятлари Лейден-Эрскин, А.Бевериж ва В.Текстон таржималарида қай даражада амалга оширилганлигини таржимашунослик нуқтаи назаридан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликлари таржималарининг аниқлик мезони ва қиёсий тавсифлаш тамойилларини аниқлаш ва лексик, семантик, синтактик-стилистик адекватлик хусусияти асосида очиб бериш;

ўлчов бирликлари лексемаларининг таржималари прагматик мувофиқлик ва прагматик номувофиқликда амалга ошишини таржимашунослик нуқтаи назаридан кўрсатиб бериш;

айрим ўлчов бирликларининг таржимаси транслитерация, тасвирий, трансформацион, калька усуллари орқали амалга оширилганлигини таржималар таҳлили орқали асослаш;

“Бобурнома” матнидаги пул қийматини ифодаловчи ўлчов бирликлари таржималарини миллий пул бирлиги, изоҳ ва шарҳлар орқали бериш усулларни ёритишдан.

Тадқиқотнинг объекти “Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликларининг Лейден-Эрскин, А.С.Бевериж ва В.Текстонлар томонидан амалга оширилган таржималари.

Тадқиқотнинг предметини “Бобурнома” таржималари матнидаги ўлчов бирликларини лексик, семантик, прагматик ва лингвокультурологик жиҳатдан кўрсатиб бериш каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, тавсифий, чоғиштирма, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликлари таржималарининг лексик, семантик, синтактик-стилистик, прагматик ва лингвомаданий жиҳатлари таржимашуносликнинг адекватлик хусусияти асосида очиб берилган ҳамда ўлчов бирликларининг ўзбек тилидан инглиз тилига транслитерация, тасвирий, трансформацион, калька усуллари орқали амалга ошганлиги илмий жиҳатдан асосланган;

ўлчов бирликлари таржималарини қайта яратишда аниқлик мезони ва қиёсий тасвирлаш тамойиллари аниқланган, ўлчов бирликларининг миқдор устуворлиги кўрсатилган;

ўлчов бирликлари таржимаси прагматик мувофиқлик ва прагматик номувофиқликда амалга оширилганлиги исботланган;

Прагматик мақсадга эришиш учун асл матндаги пул қийматини ифодаловчи ўлчов бирликлари таржималарини миллий пул бирлигида бериш, изоҳ ва шарҳлар орқали амалга ошириш усуллари ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома” матнида қўлланган ўлчов бирликлари лексемаларининг инглиз тилидаги таржималарини ўрганиш бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулосалар ва умумлаштирилган фикрлар қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик, хусусан, лингвокультурология соҳаси учун энг муҳим зарурий илмий маълумотлар бериши, “Ўзбекча-инглизча ўлчов бирликлари луғати”ни тузишда тайёр манба бўлиб хизмат қилиши, лексикография, таржима назарияси ва амалиёти, умумий тилшунослик фанларини ўқитишда амалий ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган илмий усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган илмий материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан таржимашунос, тилшунос, адабиётшунос, математик, иқтисодчи ва тарихчилар амалий ва илмий изланишларида манба сифатида фойдаланишлари мумкин. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар “Бобурнома” матни бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар учун, Бобур энциклопедиясининг тўлиқ вариантини тайёрлашда, хорижда ўрганилаётган илмий-тадқиқотларни ўрганиш ҳамда ўзбек мумтоз адабиётида қўлланилган ўлчов бирликлари лексемалари асосида ўзбек-инглиз ўлчов бирликлари лексемалари учун луғатлар тузишда, уларнинг таржималарини яратишда манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертация материалларидан таржима назарияси ва амалиёти, таржиманинг лингвокультурологик асослари учун дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликлари таржимасининг лексик-семантик, прагматик ва лингвомаданий хусусиятларини қиёсий типологик тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

“Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликларининг лингвистик талқини, унинг тилшуносликка қўшган улушлари ва аҳамиятли жиҳатларига алоқадор материаллардан ОТ–Ф8–062-рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган

(СамДЧТИнинг 2020 йил 7 октябрдаги 1772/30.02.02-сон маълумотномаси). Натижада “Бобурнома” матнидаги ўлчов birlikларининг лингвистик тадқиқи тил тараққиётига кўшган ҳиссалари ва тилнинг деривацион вазибаларини аниқлашга катта имконият яратиш билан бирга, унинг муаммоларини ёритишга хизмат қилган. Тилнинг деривацион хусусиятлари ва замонавий тилшуносликдаги янги қирраларини аниқлаш имконини берган;

“Бобурнома” матнидаги ўлчов birlikларини таржима қилиш муаммолари, уларнинг лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари, шунингдек, мумтоз асарларни таржима қилиш тамойилларига оид илмий хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллари институтида 2011-2014 йилларда бажарилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллари институтининг 2020 йил 5 октябрдаги 1795/30.02.01-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар таржима жараёнида тилларга доир миллий-маданий хусусиятлар муаммосини ечишга ва уларни таржима қилиш усулларини ёритиб беришга, “Бобурнома” матнининг хорижда ўрганилиши ҳамда лингвомаданий хусусиятларини ўрганишга асос бўлиб хизмат қилган;

“Бобурнома” матнидаги муҳандислик, иқтисодиёт, математика, техника ва бошқа соҳаларга доир ўлчовлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг таржималарига оид илмий хулосалардан 2015-2017 йилларда амалга оширилган М/УЗБ-КНР-2015/29 рақамли “Robei-Chip Design Platform” номли халқаро лойиҳаси доирасида фойдаланилган. (Наманган муҳандислик-технология институтининг 2021 йил 4 августдаги 3049-024-сон маълумотномаси). Техника соҳалари бўйича таржималарни амалга оширишда, муҳандислик ва иқтисодиёт фанларининг ривожиди таъсир доирасига эга эканлиги ушбу лойиҳа доирасида тайёрланган материалларга манба бўлиб хизмат қилган;

Диссертациянинг “Бобурнома” матнидаги ўлчов birlikларининг прагматик хусусиятлари ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўлчов birlikлари лексемаларини қўллашдаги таҳлилий фикр ва назарий хулосаларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг “Буюк аждодларга эҳтиром” ва “Бобурни эслаб” кўрсатувларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётини ёритиш, “Бобурнома” матни таржималаридаги изоҳ ва шарҳлар, таржима матнлари ҳақидаги материалларни тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 сентябрдаги 691-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 5 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича республика ва хориж журналларида жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола (4 та республикада, 4 та хорижда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликлари лексемалари тадқиқининг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида ўлчов бирликлари лексемаларининг лингвистик таснифи ва ўлчов бирликлари лексемаларини таржима қилиш тамойиллари баён этилган.

“Ўлчов бирлиги” муайян катталикни миқдоран баҳолаш учун асос қилиб олинадиган катталикдир¹. “Ўлчов бирлиги” лексемасини том маъноси бўйича таҳлил этадиган бўлсак, қадимги даврда инсоният асосан “органолептик ўлчовлар”, яъни ўзининг ҳис этиш аъзолари орқали у ёки бу физикавий хосса бўйича тахминий маълумотлар олган. Бунда мана шу ҳис этиш органлари ўлчаш воситаси вазифаларини бажарган, гарчанд бу каби ўлчовларда аниқ бир қиймат олинмаса ҳам, ҳар бир ўлчашда, аниқроғи баҳолашда муайян бир ўлчовга нисбатан солиштириш амалга оширилган.

Бир қатор хориж ва республикамиз олимлари бу борада тадқиқотлар олиб борганлар. Булар А.Абдуғафуров², Б.А.Бабочкин³, С.Азимжанова⁴, Н.Отажонов⁵, Аъзам Ўктам⁶, С.Исакова¹, Н.Жиянова², М.Аҳмедова³, И.Бекжонов, Ш.Шодмонов ва Н.Ўрмоновалардир⁴.

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.- Т.: Давлат миллий нашриёти, 1990. – Б.152.

²Абдуғафуров А. Кўзни юмиб очқунча // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари // Илмий анжуман материаллари. – Т., 1994. – Б.29-31.

³Бабочкин Б.А. Месяц в Индии. – М.: Искусство, 1959. – С.52 с.

⁴Азимжанова С. Кобул ва Ҳиндистонда Бобурнинг солиқ борасидаги сиёсати. Шарқшунослик. (ЎЗР ФА ШИ). Мақолалар тўплами. – Т.: “Фан”, 1996. – №7. – Б.139-143.

⁵Отажонов Н. “Жаҳонгашта Бобурнома”. – Т., 1996. – Б.71.

⁶Аъзам Ўктам. Кўз юмиб очқунча: [бир дақиқа мобайнида “Кул хуваллох”ни “Бисмиллох” билан неча марта ўқиш мумкин экани ҳақида “Бобурнома”]. //Ҳидоят. – Т., 2001. – № 7.– Б.20.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “ўлчовларни бил, бу билимдир”, деб бежиз айтмаган. Ўлчов бирликлари лексемаларидан бири вақт ўлчови лексемасидир. Пайт отларининг синтагматик имкониятлари вақт ўлчови бирликлари лексемалари: сутка қисмлари, ҳафта номлари, ой номлари, фасл номлари лексик-семантик гуруҳларида батафсил кўрсатилади. Масалан, сутка қисмларини ифодаловчи *кун, тонг, саҳар, азон, бомдод, чошгоҳ, туш, пешин, аср, шом, хуфтон, тун* каби лексемаларнинг синтагматик имкониятлари, аввало, уларнинг семантик мундарижасига боғлиқ бўлади. Масалан, “Бобурнома” матнида: *Намози пешинда Хожа Муҳаммад Алининг ўтоғида шурб мажлиси бўлди*”⁵ (БН.178) вақт ўлчови бирликларидан бири сутка қисмини ифодаловчи *пешин* лексемаси вақтни аниқлаб, *намози* лексемаси билан боғланиб семантик жиҳатидан вақтга аниқлик киритяпти.

“Бобурнома” матнида ўлчови бирликлари лексемалари узунлик, масофа, оғирлик, ҳажм, пул қиймати, сатҳни, бутуннинг бўлагини ифодаловчи, шунингдек, санок сон билан биргаликда ифодаланиши, саналмишнинг тўдасини англатувчи ва жамлов маъносини ифодаловчи лексема турли шаклларда ифодаланади, ҳар бири алоҳида бир ўлчов миқдорини англатади ҳамда ўлчови бирлиги лексемаси орқали нарса буюмларнинг ёки шахсларнинг сон ва миқдорини, жамловини кўрсатиб беради. “Бобурнома” матнида: “Икки тупчоқ от эгари била; камар шамшири мурассаъ икки қабза; ханжари мурассаъ йигирма беш қабза; катора мурассаъ ўн олти қабза; жамдарайи мурассаъ икки қабза; пичоқи ҳинду ва бори олтун қабза; чаҳорқаб тўрт савб; сақарлот чакман йигирма секкиз савб” (БН.212), деб берилади. “Қабза”⁶ сўзи 1) бирон нарсанинг дастаси, тўп; 2) тутам, бир тутам, савб⁷ сўзи эса томон, тараф, мурассаъ⁸ – жавоҳир билан безатилган, маъносини билдириб, ўлчови бирликларининг ҳар бири ўзига хос миқдорга эга. Ушбу “ханжари мурассаъ йигирма беш қабза” жумласи жавоҳир билан безатилган ханжар йигирма беш даста эканлигини билдириб, уларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан сон-саноғи ва қиммати аниқланган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Ўлчови бирликлари лексемаларини таржима қилиш тамойиллари” деб номланади. Ушбу фаслда мумтоз асарларда қўлланилган ўлчови бирликлари лексемаларини қайта тиклаш тамойиллари, уларнинг таржима тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

¹Исакова Ш. “Бадий таржимада миллийлик ва трихийликнинг акс эттирилиши” (Ойбекни “Навоий” романининг французча таржимаси мисолида). Филол.фан.ном. дисс...автореферати. – Т., 2004, – Б.18.

²Жиянова Н. “Бобурнома”да нумератив сўзлар. Филол.фан.ном. дисс.. автореферат. – Т., 2000. – Б.16.

³Аҳмедов М. Бобурийлар салтанатида молия сиёсати. // Андижоннома, 2002. 13 фев. – Б.3.

⁴Шодмонов Ш., Ўрманова Н. Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни. Халқаро анжуман материаллари. – Т., 2008. – Б.25-27.

⁵Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2002. – Б.178 (“Бобурнома”га оид барча иқтибослар шу манбадан олинади. Асар саҳифалари қавс ичида (БН.178) шаклида кўрсатиб борилади).

⁶Исҳоқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли лугат. – Андижон, 2008. – Б.214.

⁷Ўша асар. – Б.145.

⁸Ўша асар. – Б.105.

Ўлчов бирликлари лексемалари таржимасининг ўзига хос хусусиятларидан бири - ўлчов бирликлари лексемаларининг нотўғри берилиши асл нусха матнига жиддий путур етказиши билан бирга, унга боғлиқ воқеалар ривожини ҳаддан зиёд бўрттириб ёки аксинча, тушунарсиз ҳолга келтириб қўйиши мумкин. Мумтоз асарларда қўлланилган ўлчов бирликлари лексемаларини таржима қилишда таржимон унинг нозик жиҳатларини илғай олиши керак бўлади. Чунки бундай ўлчов бирликлари лексемалари мазкур халқ тарихий тараққиётининг маҳсули бўлиб, тарихий-миллий хусусиятларини ўзида мужассамлаштириши билан характерлидир. Мумтоз асарларда қўлланилган ўлчов бирликлари лексемаларини ўгиришда таржимонлар кўпинча транслитерация усулидан фойдаланади.

Транслитерация ўлчов бирликларини талқин этишнинг энг қулай йўллари билан бири бўлиб, аслият миллий руҳини тарихий жиҳатдан қисқартириб, ижтимоий муҳитни тор доирада қайта тиклайди. Масофа, оғирлик, пул бирликлари, кийим-кечак, рўзгор ашёлари каби миллий хусусиятларга эга бўлган тушунчаларни англатадиган сўзларни транслитерация йўли билан талқин қилиш хорижий муҳит ва шароитнинг китобхон кўз олдида очиқ-ойдин жонланишини таъминлайди.

Баъзи таржимонлар тарихий-миллий ўлчов бирликлари лексемаларини ўгиришда шундай йўл тутадиларки, биз буни холис ифода усули деб аташни маъқул топдик. Бунда ўлчов бирлиги транслитерация қилинмайди, балки мазкур ўлчов бирлигининг бажарган вазифаси холис ифода усулида таржима қилинади.

Таржимон ўлчов бирликлари лексемаларини таржима қилиш жараёнида маълум қийинчиликларга дуч келади. Бунда таржимон қатор камчиликлардан бирини танлаш йўли билан контекстнинг стилистик тусини ҳамда маъновий мазмунини бермоғи лозим. Таржима моҳият жиҳатидан бошқа тил воситалари орқали аслиятнинг мазмун ва шаклини янгидан яратишнинг ўзгинаси деб айтиш мумкин. Агар аслият бадиий воқелик бўлса, таржима мазкур воқеликнинг инъикоси бўлади. Таржимоннинг маҳорати эса аслиятга шаклан ва мазмунан яхлит ҳолда қайта барқарорлик касб этади.

Ўлчов бирликлари лексемаларининг инглиз тилига таржималарини таҳлилга тортганимизда, таржимонлар ўлчов лексемаларига турлича ёндашганининг гувоҳи бўлдик. Ўлчов бирликлари лексемалари транслитерация, сўзма-сўз, тасвирий ифода усулида таржима қилинганлигини аниқланди. Мазкур таржима жараёнида зарур шаклни излаш бошланғич асос ҳисобланади. Аслиятнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди ва айни пайтда, шартли аниқликка интилади. Равшанки, бу ўз-ўзидан ҳосил бўлган жараён эмас, мантиқий жиҳатдан мазмун ўз шакли билан юзага келмоқда. Аслиятда ҳам, таржимада ҳам улар ажралмасдир.

Ўлчов бирликларини таржима қилиш жараёнида таржиманинг қуйидаги тамойиллари мавжуд деган хулосага келамиз: 1.Транслитерация. 2.Таржима матнларида ўлчов бирликлари лексемаларини муқобили билан алмаштириш.

3. Ўлчов бирликларининг пул қийматларини шу асарда миллий пул бирлиги сифатида қолдириш. 4. Ўлчов бирликлари лексемаларини муқобил варианты топилмаганда изоҳлаб ва шарҳлаб бериш. 5. Аслиятда ўлчов бирликлари лексемаларининг тарихий-миллий хусусиятларини ўзида акс эттириши.

“Бобурнома” матнида: <i>намози дигар, офтоб ўлтурур, тонг отқунча, намози пешин, нақора вақтида, офтоб ботқунча, тонгдин бурунроқ, субҳ вақти</i> каби ўлчов бирликларини таржимонлар куйидагича таржима қилишган:	
Лейден-Эрскин таржимасида:	намози дигар - <i>afternoon prayers</i> , офтоб ўлтурур - <i>set out</i> , тонг отқунча - <i>night till morning</i> , намози пешин - <i>the time noon-day prayer</i> , нақора вақтида - <i>midnight</i> , офтоб ботқунча - <i>till sunset</i> , тонгдин бурунроқ - <i>before sunrise</i> , субҳ вақти - <i>daybreak</i> .
А.Бевериж таржимасида:	намози дигар- <i>Afternoon Prayer</i> , офтоб ўлтурур- <i>sun-set</i> , тонг отқунча- <i>next day</i> , намози пешин- <i>till at the Mid-day Prayer</i> , нақора вақтида- <i>night till shoot of dawn</i> , офтоб ботқунча- <i>the next day till sunset</i> , тонгдин бурунроқ- <i>before dawn</i> , субҳ вақти- <i>it was set</i> .
В.Текстон таржимасида:	намози дигар- <i>late afternoon</i> , офтоб ўлтурур- <i>sun was setting</i> , тонг отқунча- <i>all night and through the morning</i> , намози пешин- <i>noon</i> , нақора вақтида- <i>at midnight</i> , офтоб ботқунча- <i>following night</i> , тонгдин бурунроқ- <i>before dawn</i> , субҳ вақти- <i>at dawn</i> .

Ўлчов бирликларини таржима қилиш жараёнида энг аввало, таржимонларнинг ўлчов бирликлари лексемасининг аслият матнидаги ифодасини қай тарзда ифодалаганликлари, сўнгра шаклини беришда эса тил қонуниятларига нечоғлик риоя этганликлари муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бобурнома” матни ўлчов бирликлари лексемалари инглизча таржималарининг лингвокультурологик хусусиятлари**” деб номланади. Бобнинг биринчи бўлимида “Бобурнома” матнидаги вақт ўлчов бирликлари лексемаларини инглиз тилига таржима қилиш муаммолари” ҳақида маълумотлар очиб берилган.

“Бобурнома” матнида вақт маъносини ифодаловчи ўлчов бирликлари лексемалари кўп қўлланилган. Булар аср, ой, йил, фасл, ҳафтадаги кунлар, соат, минут, секундни ифодаловчи *нос, паҳр, гири// гари, қисмат, пул, дақиқа*, исломий атамалар *намоз сўзи билан боғлиқ бўлган намози шом, намози пешин, намози дигар, бир сут пишими, от мингунча фурсат, қилич сугургунча фурсат, тугчи туг боғлагунча фурсат* ва шу кабилардир.

“Бобурнома” матнида вақт ўлчови борасида муаллиф эринмай, диққат билан кузатиш олиб борган, асардаги вақт ўлчов лексемаларининг турли-туманлиги фикримизни исботлайди. Бобур хиндлардаги кеча-кундуз

ўлчовига доир вақт бирликлари лексемасининг ноаниқлиги мамлакат фуқароларини меҳнат ва бошқа фаолият турларидан чалғитади, деган фикрда бўлган. Қолаверса, ҳиндлардаги вақт ўлчов бирликларидан “пахар” (*бир кеча кундузнинг саккиздан бири, уч соатли вақт*), “пос” (*уч соат, бир кеча-кундузнинг саккиздан бири*), “гарий” (*йигирма, йигирма беш минут оралигидаги вақт*), “гарийалий”, “гарийал” ва бошқа вақт бирлиги атамалари аниқ астрономик вақтни белгилаб берса-да, буларда маълум маънода чалкашликлар мавжуд эди. Бу вақт ўлчовларини таърифини беришда Бобур тилшунос олим сифатида форсча “пос” сўзининг, кўриқчи маъносидаги “посбон” сўзи билан этимологик муносабатига эътибор қаратади. “Пос” вақт бирлиги ҳарбий турмушнинг маълум сатҳида соқчилик – “кўриқчи” маъносида ишлатиладики, Бобур буни зукколик билан очиб берган.

Лейден-Эрскин вақт бирликлари лексемасининг семантик жиҳатидан мувофиқ келувчи муқобил вариантларини танлаган. Ҳиндлардаги “пахар” сўзини “pahar” (*or watch*), “пос” сўзи “a pas”, “посбон” сўзи “pasban” ва “гарий” эса “a ghari” шаклида транслитерация орқали қайта тиклаган. Айрим ўринларда изоҳ сифатида вақт бирлигининг инглиз тилидаги вариантини ҳам келтирган. Таҳлил натижасида рецепторга прагматик мувофиқликда таржима вариантини тақдим этишга эришган.

А.Бевериж таржима матни ўқувчига тушунарли бўлиши учун вақт бирликларининг лексик жиҳатларига ҳам эътибор қаратган. Таржима матнида “A watch” (*қўл соати*) ва “watchman” (*тунги қоровул*) (*pas u pasban*) шаклида ўз ифодасини топган. Таржима матнида аслиятдаги вақт ўлчови лексемаси айнан таржима қилинмаган бўлса-да, муқобил вариантини бера олган.

В.Текстон матн таржимасида “пос” ва “посбон” сўзларини транслитерация йўли орқали таржимада қайта тиклаган. Бу жиҳатдан А.Бевериж таржимасидан фарқли таржима вариантини бера олган. Ушбу таржима усули матн мазмунига прагматик жиҳатидан ҳеч қандай путур етказмаган, аксинча, мазмун очиқлигига хизмат қилган.

Таржимонлар вақт ўлчов бирликларини қайта тиклашда ўз маҳорати ва услубига кўра таржима қилган. Айниқса, вақт ўлчов бирликларини лингвокултурологик жиҳатидан ҳам мукамал ўрганиб, қайта тиклаган, деб айта оламиз. Бу лексемалар таржимасини акс этиришда грамматик трансформациянинг синтактик мослашув турларидан фойдаланган. Буларнинг ҳаммаси таржимон маҳоратига боғлиқ тарзда амалга оширилади, албатта. “Таржимон нафақат муайян услубий вазифа ифодаси учун қўлланган образли ёки ҳиссий-таъсирчан лисоний воситани, балки амалий жиҳатдан қийинчилик туғдирмайди, деб тасаввур қилинадиган эркин маънодаги у ёки бу сўз ёхуд сўз бирикмасини ўгиришда ҳам ҳар доим ўша восита мазмунини таржима тилида қандай сўз ёки сўз бирикмаси аниқроқ ва тўлароқ ифода этиши мумкинлиги, мавжуд вариантлардан қайси бирининг аслият руҳига

кўпроқ мос келиши ҳақида ўйлаши ва доим ўз олдига назарда тутилган фикрни қай тарзда янада равонроқ баён этиш мумкин, деган саволни қўйиши зарур”¹. Бу жиҳатлар ҳар учала таржимонда ҳам аниқ акс этганлигини таржималарни қиёсан таҳлил қилиш натижасида ўргандик. Мумтоз асар яратилган давр учун одатий бўлган, ҳозирда тилнинг пассив қатламидан ўрин олган, аслиятнинг ҳақиқий тарихий манба эканлигини таъминловчи вақт ўлчов бирликлари ифодаловчи лексемаларнинг таржимада меъёрини белгилаш жуда нозик масала ҳисобланади. Таржимада уларнинг қандай акс эттирилганини ўрганиш эса муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўринда таржимон бир мамлакатда яшовчи ҳамда ягона бир тилда сўзлашувчи халқ тилини ҳам синхроник, ҳам диахроник жиҳатидан ўрганиши зарур бўлади. Чунки бир халқ тилида нофаол қатламдан жой олган тил бирликлари, бошқа бир халқ тилида фаол қўлланишда бўлиши ҳисобга олиниши зурур. Бундай ҳолатда таржимондан таржимага тарихий ёндашиш ҳамда тарихий воқеалар баёнидаги вақт лексемаларини бузмай тўғри акс эттириш талаб қилинади.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида “Бобурнома” матнидаги вазн (оғирлик) ва узунлик ўлчов бирликларининг инглизча таржималарда акс этиши” тадқиқ этилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарида Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги оғирлик ўлчов бирликларини солиштириб, ўзаро фарқини ажратиб кўрсатган. “Бобурнома” матнида оғирлик ўлчовларини билдирувчи қуйидаги лексемалар учрайди: мисқол, рати, моша, тўла, ботмон, ман//мон, минос, тонг, сер//сир, пуштивора, харвор, қоп, сандук, танг-танг, тева, сабад, ортмоқ-ортмоқ.

Таржимон оғирлик ўлчов бирликлари лексемасини қайта тиклашда ўқувчига тушунарли бўлиш учун турли таржима усуллари билан фойдаланади. Ўлчов бирликларини транслитерация орқали ва рақамлар билан беришни маъқул кўради. *Ser* ўлчов бирлиги, В.Текстон таржимасида *seers*, А.Беверижда эса *ser*, Лейден-Эрскин таржимасида *ser* шаклида келтирилади. А.Бевериж ва Лейден-Эрскин таржималарида *ser* сўзи аслиятдагидек транслитерация қилинса, В.Текстон *seers* шаклида транслитерация қилади. Лейден-Эрскин таржимасида: *twelve mashehs make one tola or ninety-six ratis*, В.Текстон таржимасида: *12 mashas equal 1 tola, or 96 rattis*, А.Беверижда эса: *12 masha=1 tula=96 ratis* (ўн икки машъа бир тўвла ёки тўқсон олти ратийга тенгдир) жумласи аслиятда йўқ. Таржимонлар бу ўлчовни муаллиф томонидан берилган ўлчовларга янада аниқлик киритиш мақсадида қўшганга ўхшайди. Бизнингча, таржимонлар буни изоҳловчи қўшимча сифатида киритган. Профессор Н.Отажоновнинг қайд этишича: “Жуда оддий туюлган бу талқину атамаларни бошқа тилларга ўгиришда ниҳоятда кўп хилма-хиллик ва чалкашликлар учрайди”².

¹Раҳимов Ғ.Таржима назарияси ва амалиёти. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2016. – Б.113.

²Отажонов Н. Бобурнома жaxon адабий жараёнида. Қиёсий-типологияк таҳлили. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.224.

“Бобурнома”да *данг отлиг* қушнинг узунлик ўлчови бирлиги сифатида келтирилиши муаллиф маҳоратини намоён этади: *Яна қушлардурким, сувда ва сув ёқаларида бўлур; ул жумладин: бир дангдур, улук жуссалик жонивордур, ҳар қаноти бир қулоч бордур* (БН.202). Матнда бобуро на дақиқлик сезилади, данг қушининг таснифини беришда бунга гувоҳ бўламиз. Муаллиф профессионал математик ёки метролог сингари данг қушининг ўлчамларини аниқ, ҳар бирини деталлаштирган ҳолда маълумот беради.

Бу жиҳатлар Лейден-Эрскин таржимасида: *...Each of its wings is the length of a man...* (L-E.219-220) (*Унинг ҳар қаноти кишининг узунлигичадир*) (изоҳда: денгиз саржинининг узунлиги, 6 фут ёки 182 см - fathom's length) деб ўгирилиши ҳам ўзини оқламайди. Бир қулоч билан бир одам бўйи кескин фарқ қилади. “Қулоч” ўлчови тўғрисида Н.Хаников берган изоҳда ҳам хатолик бор. Миллий тилимизда бир қулоч, тахминан бир метрга тенг. Бу матнда ҳам ўлчов бирликларининг лингвокултурологик хусусиятлари ўз аксини топмаган. А.Бевериж таржимасида: *..each wing measuring a qulach (fathom)...* (A.B.498-499) (*... ҳар қанотининг ўлчами бир қулочдир*), тарзида ўгирилади. *Қулоч* ўлчами транслитерация усули орқали ифодаланади, изоҳ сифатида инглиз тилидаги таржимасини бериб ўтади. Шубҳасиз, айтиш мумкинки, А.Бевериж айти матн таржимасида аслият прагматикасини сақлай олган, аммо қавс ичида таржимасини бериши китобхонни бироз бўлса-да чалғитади.

В.Текстон бу матнни: *... each of its wings spans a fathom* (W.T.340) (*Унинг катта танаси ва ҳар бир қанотининг қулочи денгиз саржиничадир*) деб ўгиради. Ҳар учала таржимада ҳам *fathom* (денгиз саржинича, денгиз саржинининг узунлиги, 6 фут ёки 182 см) ўлчов бирлиги учрайди. Таржимонлар аслиятга мувофиқ қайта тиклашга уринсаларда, аммо *бир қулоч* ўлчов бирлигининг лингвокултурологик хусусиятига эътибор қаратишмаган, натижада муаллиф келтирган ўлчовига бироз бўлса-да мувофиқликни йўқотишган.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлимида “Ўлчов бирликлари лексемаларининг лингвокультуролик хусусиятлари ва уларнинг инглизча таржималарда қайта тикланиш масалалари”га эътибор қаратилган.

“Лингвокултурология инсоний, аниқроғи, шахс ва маданий омилни узвийликда тадқиқ этувчи фандир”¹. Телиянинг таъкидига кўра, бу омиллар бир-бири билан узвий боғлиқликда ушбу фанни вужудга келишига ва бу борадаги тадқиқотларнинг амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Лингвокултурология бу тил ва маданият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб берувчи омилдир.

Ўлчов бирликлари лексемаларининг лингвокультуролик хусусиятлари ҳам таржимада аслиятга мувофиқ акс этиши муҳимдир. Таржиманинг асосий мувафақияти ўлчов бирликлари лексемаларини тўлақонли қайта яратиш,

¹Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: “Языки русской культуры”, 1996. – С.222.

аслият муаллифи услубини сақлаган ҳолда шакл ва мазмунини таржимада бера олишдир.

Бобур каркидоннинг қиёфасини тасвирлаш чоғида ўлчовларига ҳам эътибор қаратади. “Бобурнома”да каркидон терисининг ўлчами жуда қалинлигини таъкидлаб, узокдан уни отга ўхшайди деса, бошқа зоологик хусусиятларини санаётиб, унинг отдан фарқли жиҳатларини ва ўлчамларини кўрсатади...*узунлиги бир қаришдин кўпрак* жумласидаги *бир қарич* лингвокультурологик жиҳатдан миллий ўлчов бирлиги ҳисобланади. Бу ўлчов бирлиги лексемасидан ўзбеклар кўпроқ фойдаланади. Лейден-Эрскин таржимасида ушбу лингвокультурологик хосса: “upwards of a span in length” (*узунлиги бир қаричдан кўн*) тарзида берилган бўлса-да, айнан муаллиф таърифлаган ўлчамнинг лингвокультурологик хусусиятини кўрсатиб бера олмаган. Ушбу “тўрт энлик” ўлчами *three or four fingers' breadth* (*уч-тўрт бармоқ кенликда*) деб ўгирилиши, узунлик ўлчов бирлиги маъносини хиралаштирган, аслиятга прагматик мувофиқликда бера олмаган. Айнан лингвокультурологик хоссани рецепторга етказишда бироз тушунарсизликка йўл қўйган.

А.Бевеиж “узунлиги бир қаришдин кўпрак” жумласини эса, “more than nine inches (qarish) long” (*тўққиз дюмга қараганда узун*) деб беради. Афтидан, таржимон Бобур берган миллий ўлчов бирлигини, инглиз ўлчов бирлигига мослаб тўққиз дюмга тенг деб олган кўринади. Агар бир қарич ўртача 20 см, бир дюм - 2,5 см.га тенг бўлса, 10 дюм 22,5 см.ни ташкил этапти. Чунки муаллиф ўлчамда бир қаричдан кўпроқ эканлигини таъкидлаган...*яна уч-тўрт энлик ҳам шояд ортти экин* жумласи *leaving over (the thickness of) 3 or 4 hands* (*қолгани (қалинлиги) уч ёки тўрт қўл*) тарзида берилади. Бизга маълумки, уч-тўрт қўл ўлчами уч-тўрт энлик ўлчамига мос келмайди. “Энлик” деганда халқимиз қўлнинг бўйи эмас, энини назарда тутаяди. Таржимадаги лингвокультурологик жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, бу хусусият ўз аксини топмаган, таржимон ҳам муаллифнинг миллийлик нуқтаи назаридан берилган ўлчамини чуқур таҳлилга тортмаган, натижада ўлчов ҳажми катта бўлиб кетган. “...яна уч-тўрт энлик ҳам шояд ортти экин” жумласи В.Текстон таржимасида: “maybe three or four fingers of horn were left over” деб берилади. Ушбу “уч-тўрт энлик” ўлчовини “three or four fingers” (*уч-тўрт бармоқ (энлик)*) шаклида бериб, аслиятга анча яқинлашади.

Н.Қамбаров “маданият ва культурологик ҳодисаларни ифодалаган терминларнинг барчаси тил ва маданият бир-бирисиз мавжуд бўлмаслигини исботлайди”, деб таъкидлайди. Таржима таҳлилида асосий масала аслиятнинг руҳи, ўзига хос хусусиятлари қай даражада сақланганлиги ва лингвокультурологик жиҳатларини кўрсатишдир.

Диссертациянинг учинчи боби “Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликлари лексемалари инглизча таржималарининг прагматик хусусиятлари” деб номланади. “Бобурнома” матнидаги пул қийматини

ифодаловчи ўлчов бирликлари лексемаларининг инглизча таржимада берилиши” масаласи бобнинг биринчи бўлимида ўрганилган.

Қадимда ўлчов бирликлари олтин, кумуш ёки мисдан ясалган ва англатган қиймати шунга мувофиқ ҳолда бир-биридан фарқ қилган, яъни тангаларнинг қиймати тангага ишлатилган олтин, кумуш ёки миснинг оғирлик даражаси ҳамда металнинг кадри билан белгиланган. Демак, танга қандай предметдан ясалишидан қатъи назар, ўша давр учун пул бирлиги бўлган. “Бобурнома” матнида пул қийматини ифодаловчи: динор// динар, дирҳам// дирам, флус// фулус, донге, танга, ашрафий, ярмок, шоҳрухий кумуш, олтун, ротиба, важҳ, шунингдек, олмос каби пул бирликлари маъносини ифодаловчи лексемалар учрайди.

“Бобурнома” матнида: “Чаҳоршанба куни Борик об тушганда Ҳиндустонда қолғон Нурбекнинг иниларидин йигирма минг шоҳрухийлик олтун ва ашрафий ва тангаким, Хожа Ҳусайн девон Лаҳўр холисотидин йибориб эди, келтурди” (БН.184), деб ўқиймиз. Аслият матнида: *минг шоҳрухийлик олтун ва ашрафий ва тангаким* пул қийматини билдирувчи ўлчов бирликлари лексемалари, Лейден-Эрскин таржимасида: *twenty thousand shahrokhis, in gold, in ashrafis and tankis*, шаклида қайта тикланади. Таржимада пул бирлиги лексемалари транслитерация усулида берилиб, олтин сўзини муқобил варианты келтирилган. Таржимага аниқлик киритиш мақсадида, Лейден-Эрскин пул ўлчов бирликлари лексемаларини сатр остида изоҳлаб беради. А.Бевериж таржима матнида: “gold, ashrafis and tankas to the value of 20,000 shahrukhis” (олтин, ашрафий ва танга йигирма минг шоҳрухий қийматига эга) деб келтирилади. А.Бевериж ҳам пул ўлчов бирликлари лексемаларини транслитерация йўли билан ўтиради ҳамда изоҳлаб келтиради. В.Текстон: “twenty thousand shahrukhis worth of gold, ashrafis, and tankas”, шаклида қайта яратади, таржимада олтин сўзини эквиваленти билан алмаштиради, бошқа пул қиймат бирликларини эса транслитерация йўли билан амалга оширади. Учала таржимон ҳам ўқувчига тушунарли тарзда бўлишига интилиб, прагматик жиҳатидан рецепиентга қулай имконият яратишга ҳаракат қилган. Лейден-Эрскин изоҳларни аниқ келтиради, бу ҳам таржимоннинг юксак маҳорат эгаси эканлигидан дарақдир. “Мутаржим жудаям ўзига хос лаёқат, иқтидор, истеъдод ва билим соҳиби бўлишдан ташқари, унинг заковатида деярли барча ижод аҳлининг фаолиятига хос: таҳлил, тасвир, тийнат яратиш, кайфият туғдириш ва ҳатто махсус “ўқий билиш” сифатлари жамулжам”¹. Дарҳақиқат, мутаржим бу соҳада моҳир таржимон бўлиш билан бирга, ижодкор яратган асарнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниши ҳамда унинг миллий ва маданий хусусиятларини англаб етиши зарур. Биз “Бобурнома” матнида ифодаланган динор//динар пул қиймат бирлиги, дирҳам//дирҳам, ашрафий пул қиймати бирликларининг

¹Ғайбуллоҳ- ас-салом. “Таржима назарияси ва амалиёти”дан маъруза матни чизгилари. – Тошкент, 2003, – Б.8

таснифлари ва уларни таржималарда транслитерация, тасвирий ифода, изоҳ ва шарҳлар орқали қайта тикланганини ўргандик.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида “Бобурнома” матнидаги исломий атамалар билан ифодаланган ўлчов бирликлари лексемаларининг инглизча таржимада акс этиши” таҳлил қилинган.

Ўрта асрлар мусулмон шарқи мамлакатлари тарихи ва ўлчов бирликлари борасида кўзга кўринган тадқиқотчи олим Валтер Ҳинтс ва Й.А.Давидович ўз асарларида, бир-биридан мустақил равишда шундай фактни келтиришган: Марказий Осиё мусулмонлари ўлчов бирликлари лексемалари борасидаги қоидаларга, бошқа ҳар қандай ҳудуд мусулмонларидагига қараганда қатъий амал қилган. Бунда халқаро савдо муносабатларини юритишда ҳам жиддий эҳтиёткорлик чоралари кўрилган.

“Бобурнома” матнида йил фаслларида ташқари, кунларнинг номланиши ҳам ўлчов бирликлари лексемаларини аниқланишига асос бўлган. Бундай асос “Бобурнома” муаллифининг Ҳиндистонга Шарқ цивилизациясини олиб кирганининг далили, десак адашмаймиз. “Дунёнинг жуда катта қисмида ҳозирги вақтда Оврупо /насроий/ халқларининг ўлчов бирликлари лексемалари ҳукмрон. Шу боис бизда аксарият мусулмон ва будда ўлчовларини ҳозирда билишмайди. Бироқ Бобур ўзга мамлакат, бошқа халқларнинг моддий ва маънавий қадриятларига улар қандай бўлса ўшандайлигича қарашдан ташқари, ислом дини ва маданияти, мантиқи ва тушунчалари тамойиллари билан муқоясага келтиради. Натижада жуда ажиб ва жозиб муқоясавий тарҳ юзага келади”¹.

